

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

**"Кишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош  
лойиҳа-қидирув институти  
Бош директори**



**И.С.Ахмедов**

**» 2022 йил**

**Бухоро вилояти Ғиждувон тумани “Миракон” МФЙни батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош «Улфатбиби», «Ғишти» ва «Тарханон» МФЙларнинг шаҳарсозлик жиҳатидан транспорт ва кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиши**

***Таянч тархдан ҳамда асосий чизмадан фойдаланган ҳолда транспорт ва кўча-йўл тармоқларини ривожлантириши схемасини ишлаб чиқиши лойиҳаси M 1:2000;***

***Кўча-йўл тармоқлари андозавий қўндаланг кесимлари M 1:100;***

**ЛОЙИҲА ТОПШИРИФИ**

***Буюртмачи – "Кишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти***

***Бажарувчи – Танлов асосида***

**Тошкент ш. – 2022.**

## Лойиҳа топшириғи


1	Лойиҳаланадиган объект титул бўйича номланиши	1.1. Бухоро вилояти Фиждувон тумани “Миракон” МФЙни батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош «Улфатбиби», «Ғишти» ва «Тарханон» МФЙларнинг шаҳарсозлик жиҳатидан транспорт ва кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиши
2	Лойиҳалаш учун асос	2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.08.2019 йилда қабул қилинган 639-сонли қарори. 2.2. Бухоро вилоят курилиш бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги № 1846 - сонли буюртма хати.
3	Молиялаштириш манбааси	3.1. Давлат бюджети ҳисобидан
4	Объектнинг Республика маъмурий гуруҳида жойлашув ўрни	4.1. Бухоро вилояти Фиждувон тумани “Миракон” МФЙни батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош «Улфатбиби», «Ғишти» ва «Тарханон» МФЙлар
5	Объектнинг асосий таснифи Асосий "Миракон" МФЙ	5.1. Мавжуд аҳоли сони: <b>5135</b> киши Аҳоли ўсиш сони: ҳисоб –китоб асосида 5.2. Аҳоли пункти худуди: томосъемка учун берилган мавжуд худуд <b>201.0 га</b> ҳисобий муддат бўйича худуд (га) ҳисоб –китоб асосида.
6	Бош режаларни қўлланиш даври	6.1. Мавжуд ҳолат – 01.01.2022 йил 6.2. Биринчи навбат – 2027 йил 6.3. Ҳисобий муддат – 2037 йил
7	Кумқурғон тумани “Миракон” МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқиши бўйича асосий талаблар	7.1. Курилиш вазирлиги томонидан 2019 йил 2 ноябрда 503 сонли буйруғи билан тасдиқланган тартиб асосида. 7.2. Бош режа асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемаси навбатма-навбат ШНК 1.03.10-12, ШНК 1.03.02-04*, ШНК 2.07.02-07 ва ШНК 2.07.01-03*да кўрсатиб ўтилган тартиб бўйича ва календар режа асосида ишлаб чиқилади. 7.3. Бош режа асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемаси таркиби ШНК 1.03.10-12 асосида ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш кумитасининг 01.03.2018 йилги № 7 сонли буйруғига амал қилган ҳолда бажарилади. Бажариладиган ишлар таркиби: Чизма материаллар: 7.4. Аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемаси ишлаб чиқиши учун бош лойиҳа қидирав институти томонидан йиғилган дастлабки асосий маълумотлар асосида ишлаб чиқиши. - МФЙ аҳоли пункти худудидан ўтувчи (агар ўтган бўлса) умумий фойдаланишдаги халқаро аҳамиятга молик автомобил йўлларининг параметрлари ҳамда қизил чизиқларини, автомобил йўллари қўмитаси қошидаги вилоят автомобил йўллари худудий бошқармалари томонидан берилган маълумотлар асосида, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобил йўлларини ШНК 2.07.01-03* Шахарсозлик асосида ишлаб чиқиши - МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини M 1:2000

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- МФЙ ахоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини андозавий қўндаланг кесимларини М 1:2000</li> <li>- тушунтириш хати</li> </ul> <p>7.5. Ишлаб чиқилган батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини "Кишлоқкурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти билан келишилади.</p>
8	ШНК 1.03.02-04* п.6 асосида Буюртмачи томонидан лойиҳа ишларини бошлашдан олдин берадиган хужжатлар	<p>8.1. Топографик материаллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Топографик съемка М1:2000</li> <li>- МФЙ ахоли пунктлари бўйича муҳандислик геология хulosаси. Лойиҳаланадиган МФЙ ахоли пункти ва худуд бўйича 01.01.2021 йил ҳолатига куйидаги маълумотлар:</li> <li>- МФЙ ва унинг худуди бўйича ахоли жойлашиши мавжуд ҳолати</li> <li>- Уй-жой фонди унинг қаватлилиги ва кимларга қарашлилиги</li> <li>- Маъмурий ва хизмат кўрсатиш биноларини мавжуд ҳолати ва жойлашган манзиллари</li> <li>- Муҳандислик ускуналари билан таъминланганлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари</li> <li>- Ишлаб чиқариш, саноат обьектлари ва уларда ишлайдиган кадрлар ҳақида маълумот.</li> <li>- Ахоли ёши бўйича тақсимланиш кўрсаткичи</li> <li>- Ахолининг табиий ва миграция ҳолати бўйича ўсиш динамикаси.</li> <li>- Туман ва МФЙ худудлари орасидаги транспорт алоқаси, уларнинг иш режими, пассажир ташиш маршрутлари, транспортта тегишли бино ва қурилмалар</li> <li>- Йўл-транспорт ва кўчалар йўналиш тармоқлари, уларнинг узунлиги</li> <li>- Умумий фойдаланиш кўкаламзорлари</li> <li>- Спорт ва дам олиш обьектлари</li> <li>- Темир йўл бўйича маълумот (агар бўлса)</li> <li>- Мавжуд атроф – муҳит ҳолати</li> <li>- Автомобил транспорти ва унинг қатнов тезлиги</li> </ul>
9	Институт томонидан, лойиҳа олди ишлари, лойиҳалаш ишлари, лойиҳаларни келишиши ва тасдиқлашдан ташқари яна қўшимча хизматлар	<p>9.1. Буюртмачи талаб даражасида ёлланма лойиҳа ташкилотига ёрдам беради.</p> <p>9.2. Лойиҳа хужжатларни барча дахлдор туман корхона ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш вақтида.</p> <p>9.3. Лойиҳа хужжатларини экспертиза идоралари томонидан кўриб чиқиш вақтида.</p> <p>9.4. Лойиҳа бош режасини Курилиш вазирлиги меъморий шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқиш вақтида ва туман ҳокимининг қарорини тайёрлаш вақтида.</p>
10	Лойиҳа ишларини бажариш давридаги маҳсус талаблар	<p>10.1. Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ишларини баҳолашда куйидагилардан фойдаланилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистон Республикаси худудларида қўлланилайдиган шаҳарсозликга тегишли хужжатларни ишлаб чиқиш учун баҳоланадиган, лойиҳа ишлари нархини аниқлаш бўйича вақтинчалик қўлланма.</li> </ul> <p>Бу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қумитасининг 04.04.2011 йилги № 16-сонли буйруги билан тасдиқланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қумитасининг 28.10.2005 й. № 60 сонли буйруги билан тасдиқланган техник-муҳандислик қидирув ишларини баҳолаш тартиби.</p>

		<p>10.2. Хизмат сафарига ажратиладиган маблағ, институт томонидан амалда сарфланадиган харажаттга мувофиқ олдин ишлаб чиқилган хужжатлар асосида хисобланади.</p> <p>10.3. Бош лойиҳачи белгиланган тартиб асосида, баъзи маҳсус лойиҳа ишларини бажариш учун қўшимча маҳсус ташкилотларни ишга жалб қилиш мумкин.</p> <p>10.4. Чизма материаллар ёзиги ва тушунтириш хати давлат тилида ва баъзи ҳолларда рус тилида ёзилиши мумкин.</p> <p>10.5. Ишлаб чиқилиб тасдиқдан ўтган батафсил режалаштири лойиҳаси хужжатларини амалга ошириш даврида Ҳокимликлар, Курилиш вазирлиги, шаҳар ва туман меъморлари, лойиҳада жойлаштирилган обьектларни, курилишга юборишдан олдин албатта бош лойиҳачи ҳисобланган “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ институти билан келишиши талаб қилинади.</p> <p>10.6. Ёзувлар (китоблар) ва чизма материаллар (букланган) бош режа хужжатлари буюртмачи “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти бажаради.</p> <p>Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ишлари 2-3 нусхалари буюртмачига берилади.</p> <p>Электрон шаклда 1-нусхаси буюртмачига берилади.</p>
11	Лойиҳалаш муддати	<p>11.1. Лойиҳалаш муддати, календар график асосида белгиланади. Изоҳ: ёлланма лойиҳачи, бажариладиган лойиҳа иши учун тўланадиган бўнак пули тушиши кечикиши ёки олдинги бажарилган иш учун маблағ тўланмаслигига қараб, календар графикда кўрсатилган муддатни кечиктириш ҳукуқига эга.</p>
12	Бош режаларни даҳлдор ташкилотлар билан келишиши тартиби	<p>12.1. Шаҳарсозлик хужжатларини жойлардаги даҳлдор ташкилотлар билан келишиши ва тасдиқланиши амалдаги ШНК 1.03.02-04*нинг 105-109 ва 121-141 бандлари, хамда ШНК 1.03.10-12 мувофиқ амалга оширилади.</p>
13	Бош режаларни ишлаб чиқиш билан биргаликда ахоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси хужжатларини экспертизадан ўтказиш	<p>13.1. Бош режаларни ишлаб чиқиш билан биргаликда ахоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш ШНК 1.03.02-04* ва ШНК 1.03.10-12 асосида бажарилади.</p> <p>13.2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш Вазирлигига қарашли, экспертиза бош бошқармасига лойиҳага тегишли барча хужжатларни буюртмачи топширади ва тўлов кафиллигини олади.</p>
14	Ушбу лойиҳа – топшириғи шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш учун асосий хужжат ҳисобланиб, шу билан биргаликда шартноманинг бир қисми ҳисобланади.	

Буюртмачидан:

“Йўлларни лойиҳалаш” бўлими бошлиғи:



К.Шамуродов